

МАЛАКАЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБ ВА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Абдумавлянова Мафтуна

Тошкент иқтисодий ва технологиялари университети

“Бошланғич таълим” йўналиши 2 босқич талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада моҳир, етакчи педагог даражасини эгаллаш, ўқитувчиларнинг билим салоҳиятлари, ўз-ўзини тарбиялаш усуллари ҳамда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг тутган роли, мустақил таълимни ташкил этишда уларнинг аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: узлуксиз таълим, касбий компетентлик, замонавий ахборот.

Педагогик фаолиятнинг муваффақиятли олиб борилиши биринчи навбатда, ўқитувчининг руҳий ҳолатини бошқара олиши, ҳиссиётларни жиловлай олишига асосланади, яъни ўқитувчи дарс жараёнига доимо тайёр бўлиши, оқилона иш юритиши, дарсга тайёргарлик жараёнида қийинчиликларни бартараф этиши ҳамда изланувчан ўқувчи мисоли доимий равишда ўз маълумотлар базасини янгилаб бориш даркор. Зеро, ўқитувчилар профессионал педагог бўлиб туғилмайдилар, улар вақтлар мобайнида шаклланадилар.

Ушбу замонда айниқса, ахборот технологиялари ва фан соҳаларига янгиликлар кириб келаётган бир даврда, аввал эгалланган билимлар аста-секинлик билан эскириб, ўз қийматини йўқота бошлайди. Шунинг учун ҳам педагог доимий равишда ўз билимларини турли хил манбаларга таяниб янгилаб бориши, ёки конференция ва семинарлар, маҳорат мактаблари, малака ошириш курсларида иштирок этиши, масофавий таълим орқали билим ва кўникмаларга эга бўлишлари, қўшимча ўқув қўлланмалари ва дарсликларни мутолаа қилишлари замон талабига айланиб бормоқда. Педагог ана шу имкониятлардан максимал даражада

фойдаланиши, ўз билимларини ички захирасини тўлиқ намоён эта билиш қобилиятига эга бўлмоғи даркор. Шунинг учун ҳам педагог ўз салоҳиятларини бойитиб, уни амалиётда қўллаши – бу унинг профессионал даражада бўлишини таъминлаб берувчи пойдевор ҳисобланади.

Профессионал бўлиш учун биринчи навбатда, ўз устида тинимсиз ишлаш, мустақил таълим олиш талаб этилади. Бу ҳар бир соҳада ўсишнинг энг зарур омили ҳисобланади, яъни у қандай соҳа бўлмасин, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиш учун нафақат ўз соҳаси доирасида билимларга эга бўлиши талаб этилмоқда, балки унга алоқадор бир қатор кўникмаларни ҳам параллел равишда ўзлаштириш замон талаби даражасига чиққан. Ҳозирги кунда ҳар бир соҳада хорижий тилларни билиш ҳамда ахборот компьютер технологияларидан фойдалана олиш кўникмалари талаб этимоқда [1].

Педагог ўзи мунтазам ўқимас экан, бошқаларга ҳам таълим бера олмайди. Агар у ўқимаса, илмий ютуқларга эришмаса, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этмаса, таълим муассасаси қўйган талабларни бажаришда ортда қолади, педагог жамоани умумий ҳаракатларига тўсқинлик қилади, энг ачинарлиси, мутахассислар тайёрлашда паст кўрсаткичларга эга бўлади.

Мустақил таълим олиш, доимий равишда ўз устида ишлаш инсоннинг шахс сифатида шакллантириб, унинг ўзига ҳос фазилатларини намоён қилувчи хусусиятларни шакллантириб беради: касбий малакани ошириш, инсонда ижтимоий-ахлоқий хусусиятларни ривожлантириш, педагогик фаолият талабларига ўз индивидуал хусусиятларини мослаштириш [1].

Профессионал педагог сифатида намоён бўлиш, ўзини шахс сифатида шакллантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштириб, тарбиялашда педагог қуйидагиларга амал қилиши даркор:

- янги педагогик технологиялар, шакллар ва методларни жорий этиш;
- ҳамкасбларнинг дарсларида иштирок этиш, таҳлил қилиш ва тажриба алмашиш;

- ўз фаолиятини мунтазам равишда таҳлил ва танқид қилиб туриш;
 - интеллектуал онгини ошириш, илмий салоҳияти ва тафаккурини бойитиш
- [2].

Педагогнинг профессионал ўсишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган фаолият турлари:

- муайян телекурсувларни мунтазам равишда кўриш;
- педагогика ва соҳага доир даврий нашрларни кузатиб, ўқиб бориш;
- услубий ва педагогик адабиётларни ўқиш;
- семинарлар, конференцияларда иштирок этиш, ҳамкасблар билан ўзаро фикр алмашиш;
- малака ошириш курсларини мунтазам равишда ўташ;
- ҳамкасблар томонидан таҳлил қилиш учун очиқ дарслар ўтказиш;
- кўргазмалар ва экскурсияларга ташриф буюриш;
- соғлом турмуш тарзини юритиш, спорт билан шуғулланиш, жисмоний машқлар қилиш.

Юқоридаги фикрларга таяниб ҳар бир педагог ўзи учун шахсий режа тузиб олиши керак. Ўз устида ишлаш, мустақил таълим билан шуғулланиш, касбнинг талаблариги мувофиқ ўз шахсиятини такомиллаштиришга қаратилган онгли фаолиятни амалга ошириш - педагогнинг ўз шахсий режасидан ўрин олиши ва уни доимий зарурият сифатида шаклланишини таъминлаши керак.

“Танқидсиз ўсиш бўлмайди, хатолар қилмай туриб ютуқларга эришиб бўлмайди” деганларидек, мустақил таълим олиш, ўз устида ишлаш учун педагогга ҳам камчилик ва йўл қўйган хатолари туртки бўлади. Чунончи, педагог ўз-ўзини ўрганиш, яъни эришган ва эришмаган ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш, ўзининг натижаларини бошқалар билан таққослаш ва шу орқали ишини мукамал қилишга ўрганиш, ақлий ҳолати ва ҳаракатларини кузатиш, кузатувлар натижасида юзага келадиган норозиликлар ва танқидлар орқали ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида янада кўпроқ ишлашга бўлган илк қадамларни мана шу

ердан бошлайди.

Профессионал педагоглар ўз билимларини дарслар давомида қўллаши, бўлажак касб ўқитувчиларини тайёрлашда ҳам ўз ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашишлари, устоз-шогирд анъаналарини давом эттиришлари, етук мутахассислар тайёрлашлари ҳозирги куннинг долзарб масалалари қаторидан ўрин олган. Ҳозирги кунда шиддат билан ҳар куни ўзгариб, илм-фан янгиланиб бораётган бир даврда ўқитувчилар фаолиятига қўйилган талабларга уларнинг тўла жавоб бера олмаслиги, педагогларнинг компитентлиги таълим жараёнлари ўзгаришидан паст эканлиги яққол кўзга ташланмоқда. Бугун қаерга қарамайлик, ахборот коммуникация технологиялари деярли барча соҳаларни қамраб олганига ҳар қадамда гувоҳи бўляпмиз. Кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишда ахборот таъминотига алоҳида урғу бермоқ лозим. Узлуксиз таълим тизимида бўлажак педагогларни тарбиялашда аввало уларни нафақат билиши, билимларни ўзлаштириши, уни амалиётда қўллай олиши, унга мустақил ва ижодий ёндашишини босқичма-босқич ҳамда бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

Бунда асосан дарс ўтиш жараёнида ва уларни тўлиқ ўзлаштирилиши ҳамда мавзу юзасидан янгиликларни излаш ёки берилган масалага жавоб топилганлик даражасини ўқитувчи узлуксиз баҳолаб назорат қилиб боради, яъни ўқувчиларнинг компитентлигини аниқлашда дарс жараёнида турли хил услублардан фойдаланилади. Ўқувчиларни касбий компетентлигини ошириш асосан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали шаклланиб боради:

- хорижий адабиётларни ўқиш, чет эл журналларини кузатиб бориш;
- қўшимча ўқув манбалари, адабиётлари билан ишлаш;
- дарсга ижодий ёндашиш (тест, мунозарали савол-жавоблар тайёрлаш);
- мақола, тезислар ёзиш;
- касбга оид маҳорат мактабларида, илмий-амалий конференцияларда иштирок этиш;

- амалиётдаги мавжуд муаммоларни ўрганиб, ана шу муаммоларга жавоб топа олиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, замонавий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда аввало ўқитувчининг ўзи шунга тайёр бўлиши, дарс ўтиш жараёнларида инновцион технологиялардан, турли услублардан фойдаланган ҳолда дарс жараёнларини тўғри олиб борилишини ташкиллаштириши, ўқувчиларни ҳам касбий маҳоратларини эгаллашда уларга тўғри йўналиш бера олиши, уларда ижодкорлик қобилиятларини намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериши, мустақил таълимни юқори даражага кўтариши бу ўқувчиларнинг ҳам етук мутахассис бўлиб етишиб чиқишларида асосий кўмакчи бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлаш технологиялари” Шарипов Ш.С. п.ф.д.,проф., Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар халқаро илмий конференция. 27 апрель, 2018 йил.

2. Шукурова И.В. Развитие коммуникативной компетентности студентов технических специальностей.: дис. канд.пед.наук: 13.00.08 Сургут, 2006 170 с. РГБ ОД, 61:07-13/844